

ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Шохида Инатовна Шодиева

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислохотлар мазмуни ёш авлодни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Бугунги кунда таълим йуналишидаги ислохотлар миллий мафкурамиз ғояларини ҳаётга тадбиқ етишга қаратилган бўлиб, ушбу мақолада ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришнинг дидактик имкониятлари хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ватанпарвар, салоҳият, маънавий тарбия, келажак бунёдкори, умуминсоний қадрият, инсонпарварлик, тараққийпарварлик, билимлилик ва онглилик, одиллик, истеъдод.

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат

сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланди. Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш бўйича ягона тизимни яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўз навбатида, Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши, мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатни янги босқичга олиб чиқилишига, ёшлар ҳаёти, уларнинг келажаги учун янги саҳифа очилишига собит қадам бўлди.

Ўзбекистон тажрибасида амалга оширилмаган, яъни 30 ёшга тўлмаган ёш кадрларни вазир ўринбосари, ҳоким, ҳоким ўринбосари, ҳамда корхона ва ташкилот раҳбари лавозимларига тайинлаш тизими жорий этилди. Ўзбекистон тарихида илк мартаба 30 июнь куни-“Ёшлар куни”деб эълон қилинди. Қисқа давр мобайнида асосий эътибор Ёшлар иттифоқи фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ушбу ҳужжатлар асосида республика миқёсида ривожланган хорижий давлатлар орасида намунали ёшлар ташкилотини яратишга эътибор қаратилди.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ўтган бир йил мобайнида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 26 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши имзоланди, Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда шаҳар ва туманлар Кенгаши раҳбарлигига кўп йиллик тажрибага эга, салоҳиятли, билимли 33-35 ёш атрофида бўлган, энг аввало келажакда кўрқмасдан ҳокимлик лавозимига тавсия этиш мумкин бўлган номзодлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3206-сон Қарори асосида Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини

ташқил этилди.

Бугунги кунда Ёшлар иттифоқи тизимларида фаолият юритаётган ёш кадрлар, 250 дан ортиқ вазирлик, идора ва ташкилотлардаги тегишли лавозимлар захирасига киритилди.

Мазкур ислохотлар амалда юксак маънавиятли ёшларимизнинг чинакам баркамол бўлиб вояга етишлари учун замин яратиб берди. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бўлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, хусусан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташқил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташқил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташқил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Ана шу эзгу ғоя асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқларни бериб келмоқда.

Мамлакатда ёшларни ҳар томонлама билимли, салоҳиятли ҳамда фаровон ҳаёт кечириши йўлида кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликлар навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, замонавий таълим тизими, унинг мақсад ва вазифалари

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган муаммо ечимига мос келиши керак. Булар замонавий таълим тизимида миллат руҳиятининг нозик жиҳатларига кириб бориши ва бошланғич таълимда саводхонлик асосларини пухта эгаллаши, ҳисоблаш тафаккурини шакллантирилиши, меҳнат кўникмалари ҳамда шахс маънавияти элементларини ўқувчиларда таркиб топтириш ва шу кабилар орқали ҳал этилади.

Бу борада ўқувчилар маънавий тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ўқувчилар маънавий тарбиясида эса улардаги миллий ғоя туйғусини шакллантириш ҳам ўқувчилар маънавиятини юксалтиришда йўналтирувчи (илҳомлантирувчи) дидактик омил бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқотимизда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини илмий-методологик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Ушбу йўналишдаги ишларни бошланғич таълимдан бошлаш аҳамиятли ва истиқболлидир. Чунки, бу орқали ўқувчилар жамият тараққиётининг маънавий асосларини эгаллаган, Ватаннинг истиқболини ўйлайдиган, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўша олиш мумкинлигини онгли равишда ҳис қила оладилар. Бу табиийки бошланғич таълимга катта маъсулият юклайди.

Ҳозирда тадқиқот ишимизга қўйилган масалани ҳал қилишга юртимизда кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд. Бунга ҳозирда давлатимиз томонидан баркамол авлод тарбиясига бўлган эътиборни асос қилиб олиш мумкин, яъни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам бўлган баркамол авлодни шакллантириш ҳозирда давлат сиёсатига айланган ва буларда, яъни баркамол авлод тарбиясида, эса қуйидаги асосий ғояларни олға сурмоқда.

Ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, биродарлик, билимлилик ва онглилик, тараққийпарварлик, хурфикрлилик, байналминалчилик ва шу кабилар. Бу каби ғоялар ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришда “маънавий озуқа” олиш ва муҳим дидактик асос бўлиш вазифаларини таъминлашга кўмаклашадилар.

Ҳозирда ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўпгина дидактик имкониятлар мавжуд. Ушбу соҳада олиб

борган тадқиқотларимизда бундай дидактик имкониятларни қуйидаги кетма-кетлик асосида тайёрлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди:

- оилада фарзандлардаги маънавий сифатларни тарбиялаш;
- мактабгача таълим муассасаларида болалар маънавий сифатлари элементларини таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнларидаги интерфаол – қизиқарли машғулотлар мазмунига миллий ғоя туйғусига оид материалларни интеграциялаш;
- таълим-тарбия жараёнидаги дарс мазмунини маънавиятга оид маълумотлар билан бойитиш;
- ўқувчиларни миллий ғоя туйғусини шакллантиришга оид жараёнларда мустақил фикрлашга ўргатиш;
- ўқув адабиётлари мазмунига қўйилган маънавий-ахлоқий талабларни қайтадан кўриб чиқиш;
- ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришда донишмандлар ҳикматларидан фойдаланиш;
- ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда халқ мақолларидан фойдаланиш;
- анъанавий таълим мазмунига, миллий ғояга, оид билимларни интеграциялаш ва шу қабилар.

Демак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришга оид кўплаб дидактик имкониятларни топса бўлади ва улардан ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда самарали фойдаланилса, шубҳасиз, ижобий педагогик самаралар қўлга киритилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қалбига ва онгига миллий ғояни сингдириш таълим муассасаларидаги фақат ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ўрта махсус, касб ҳунар таълими ўқув режасидан ўрин олган барча ўқув фанларининг вазифаси саналади.

Бу борадаги маънавий-маърифий ишлар кенг қўламда олиб борилиб, таълим - тарбия жараёнининг барча жабҳаларида асосий ўринни эгаллаши лозим. Хусусан, ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш Она Ватанга, унинг табиатига меҳр-мухаббат уйғотиш ва бойликларини асраб авайлаш, табиатдаги ўсимликлар ва ҳайвонларга нисбатан онгли ва тўғри муносабатни таркиб топтириш, экологик маданиятни юксалтиришни мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги вақтда энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳру - садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шунга кўра, ҳозирги кунда ҳар томонлама камол топган, ўзида юксак ахлоқий фазилатларни мужассамлаштирган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва Она Ватанга садоқат руҳида тарбияланган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли танлаб, пухта ўзлаштирган, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, турмушга мослашган, соғлом турмуш тарзи ва меҳнат кўникмалари шаклланган, жамият, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи / Ш.М.Мирзиёев. -Т.: Ўзбекистон, 2016,70-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017,104- б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни //Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. - Т.: Истиклол, 2004, 3-8-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонуни // Олий таълим меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. - Т.: Истиклол, 2004, 9-23-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017, 39-б.
6. Усманов Н.У. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологияси. - Т.: «Фан ва технология, 2012.- 112- б.
7. Усманов С. Бошланғич синфларда маънавий - маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари. Т. 2004. – 24- б.
8. Форманов Ў. Н. Таълим мазмунини интеллектуаллаштириш Ўқув-

методик қўлланма. - Т.: «Фан ва технология»,- 2010 84- б.

9. Тўрақулова И.Х. Баркамол авлод тарбиясининг маънавий- иммунологик асослари «Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар. - Т.: 2010. 3-4.-Б. 12-14.б

10. Тўрақулова И.Х. Оилада болаларнинг маънавий дунёқарашини тарбиялаш // «Таълим тизимида ижтимоийлашув . 2013. – 175 -б

11. Тўрақулова Н. Х., Тўрақулова И. Х. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг маънавий тарбияси асослари. Илмий-услубий қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2013. - 300- б.

12. Abdunazarov, A. (2020). Имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий мослашувини ўрганишнинг инновацион усуллари.*Архив Научных Публикаций JSPI.*

13. Eryigitov, D., & Abdunazarov, A. (2020). The Importance Of The Process Of Integration Of Psychological And Pedagogical Knowledge Of Future Physical Culture Teachers. *Архив Научных Публикаций JSPI.*